

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.30.08.2018.Qx.75.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТОРЕШОВА АМИНА УББИНИЯЗОВНА**

**ШИМОЛИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХУДУДИДА ҲАР ХИЛ САҚЛАШ  
ШАРОИТИДА ЭЧКИЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД - 2019**

УЎК: 636.39.636.085.1.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
Посельскохозяйственнымнаукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Торешова Амина Уббиниязовна**

Шимолий Қорақалпоғистон ҳудудида ҳар хил сақлаш шароитида  
эчкиларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари.....3

**Торешова Амина Уббиниязовна**

Продуктивные особенности коз при разных условиях содержания в  
северном регионе Каракалпакстана.....21

**Toreshova Amina Ubbiniyazovna**

Productive features of goats under different conditions in the northern region of  
Karakalpakstan.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.30.08.2018.Qx.75.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТОРЕШОВА АМИНА УББИНИЯЗОВНА**

**ШИМОЛИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲУДУДИДА ҲАР ХИЛ САҚЛАШ  
ШАРОИТИДА ЭЧКИЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД - 2019**

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx220 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.samqxi.uz](http://www.samqxi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Базаров Соли Раҳматович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Исмоилов Мирзақул Шеркулович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори Эшматов Иззатилло Янгибоевич кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети


Диссертация химояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018 Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил « 29 » ноябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: [uzkarakul30@mail.ru](mailto:uzkarakul30@mail.ru)).


Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 151 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2019 йил «14» XI куни тарқатилди.  
(2019 йил «14» XI даги 5 рақамли реестр баённомаси)



  
Н.А.Бобоқулов  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

  
А.Газиев  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.и., катта  
илмий ходим

  
С.Ю.Юсупов  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда эчкилар сони 949,0 млн бошни ташкил этиб, уларнинг 60 фоизи Осиё қитъасида урчитилади. Ҳозирги кунда дунё миқёсида энг кўп миқдорда эчкилар Хитой (140 млн.бош), Ҳиндистон (120,6 млн.бош) ва Покистонда (47 млн.бош) урчитилиб келинмоқда<sup>1</sup>. Мазкур давлатларда турли маҳсулдорлик йўналишидаги эчкилар урчитилиб улар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хомашёга бўлган талабини маълум даражада қондирмоқда. Эчкиларнинг мослашувчанлик хусусиятининг юқорилиги, уларнинг сақлаш шароитига талабчан эмаслиги, урчитишга кўп ҳаражат талаб этмаслиги, юқори даражадаги серпуштлиги, тезетилувчанлиги, гўшти ва сутининг парҳезбоплиги, жун, тивит ва тери маҳсулотларининг қимматбаҳолиги ва харидорлиги ҳамда юқори маҳсулдорлиги эчкичиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Дунёда эчкиларни урчитиш, уларни кўпайтириш, ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада йирик чорвачилик марказларида турли маҳсулдорлик йўналишларидаги эчкиларнинг фойдали хўжалик белгилари, биологик, маҳсулдорлик, урчиш хусусиятларини аниқлаш; маҳсулдорлигининг шаклланиши ва намоён бўлиш хоссаларини аниқлаш; ҳар хил экологик ҳудудларда урчитилаётган эчкиларнинг зотдорлигига боғлиқ ҳолда конституционал хусусиятларини асослаш; эчкиларни урчитиш, озиқлантириш ҳамда асрашнинг турли технологияларини такомиллаштириш; ирсий эчкиларнинг салоҳиятидан фойдаланиб, сут, гўшт, жун маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда аҳолининг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, кенг ассортиментдаги экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чорва ҳайвонларининг ирсий салоҳиятидан максимал фойдаланилмаслик, чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш ва инновацион технологияларнинг суст жорий этилиши, чорвачиликни ривожлантириш суръатларини пасайтирмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга бағишланган 3.3-бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, юқори маҳсулдорликка эга ҳайвон зотларини яратиш», масалаларига алоҳида эътибор қаратилган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> <https://bigenc.ru/agriculture>text>

<sup>2</sup> Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

Шу сабабли эчкиларнинг биологик салоҳиятидан фойдаланиб чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чўл шароитида эчкиларнинг гўшт, сут, жун маҳсулдорлигини оширишга қаратилган технологик тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чўлда яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашни таъминлаш республикамиз учун долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2841-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпчилик хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида ярим майин ингичка толали, кучли ялтироқли “мохер” жунини берувчи, ангор типли (Техас АҚШ, Туркия, Россия ва ҳ.к.) жун йўналишидаги, кашмир типли (Ҳиндистон, АҚШ, Хитой ва ҳ.к) тивит йўналишидаги ҳамда сут йўналишидаги (Франция, Греция, Германия, Польша, Россия ва ҳ.к) эчкиларнинг юқори маҳсулдор зотларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ҳиндистон, Германия, АҚШ, Франция, Греция, Россиянинг нуфузли илмий марказларида эчкиларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ирсийлик ва ўзгарувчанлик даражалари, уларнинг озиклантириш ва сақлаш шароитларига боғлиқлиги, хайвонлар маҳсулдорлигига ишлаб чиқариш технологияларининг таъсири, хўжалик ва биологик хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳар хил маҳсулдорлик йўналишларидаги эчкиларнинг аралаш йўналишлардаги маҳаллий эчкилар билан қиёслаган ҳолда мослашувчанлик кўрсаткичлари, яшовчанлик ва юқори маҳсулдорлик сифатларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Ўзбекистонда Г.В.Шацкий, Е.В.Эйдригевич, А.А.Рахимов, П.Ф. Кияткин, Ф. Мамадалиев, Х. Юсупов ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра эчкиларнинг гўшт, жун ва сут маҳсулдорлиги, хўжалик ва биологик хусусиятлари, зотдорлик, озиклантириш ва сақлаш технологияларига боғлиқлигини аниқлаш ва маҳсулдорлигини оширишга доир илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Аммо Республикамизнинг барча ҳудудларида урчитиладиган маҳаллий эчкилар бўйича мақсадга йўналтирилган илмий-тадқиқот ва селекция-наслчилик ишлари талаб даражасида олиб борилмаган. Эчкиларни йил давомида яйловларда сақлаш шароитида уларнинг фойдали хўжалик белгилари ва биологик хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб маҳаллий эчкиларни яйловда сақлаш шароитида урчитиш, биологик хусусиятларини аниқлаш, маҳсулдорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-007-2016 «Эчкичиликда гўшт ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш» (2016-2018 йй) ва ҚХА-8-016-2015 «Шимолий Қорақалпоғистон ҳудудида ҳар хил сақлаш шароитида эчкиларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари» (2016-2018 йй) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудлари шароитида маҳаллий эчкиларнинг биологик ва хўжалик хусусиятлари асосида уларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг ресурстежамкор усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

маҳаллий эчкиларни сақлаш ва урчитиш технологиясини такомиллаштириш;

ўсиш динамикасидаги эчкиларнинг тирик вазни ва тана ўлчамларини аниқлаш;

эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги ва унинг сифатини аниқлаш;

эчкиларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлигини аниқлаш;

эчкиларнинг физиологик кўрсаткичлари ва яшовчанлик қобилиятини аниқлаш;

яйловда сақлаш шароитида маҳаллий эчкиларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳар хил сақлаш шароитида парваришланган маҳаллий эчкилар, такалар, уларнинг авлодлари, жун, гўшт, сут намуналаридан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳар хил технологияда сақланган эчкилар маҳсулдорлиги, биологик кўрсаткичлари, яйлов шароитида эчкиларни сақлаш ва озиклантириш, гўшт, сут, жун маҳсулоти ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларни бажаришда зоотехникавий (ўсиш, ривожланиш, сут маҳсулдорлиги, назорат соғим, сутининг ёғлилиги, гўшт ва жун маҳсулдорлиги) П.И.Викторов, биологик (физиологияси, организмдаги морфологик ўзгаришлар, қон таркиби,) кўрсаткичлар умумий қабул қилинган услублар асосида ва статистик (ўртача арифметик

кўрсаткич, унинг ҳатоси, ишончлилиқ даражаси) кўрсаткичлар Н.А. Плохинский усуллари асосида аниқланган. Эчкилар жуннинг сифати, гўштнинг сўйим курсаткичлари Бутун Россия чорвачилиқ илмий-тадқиқот институти қўлланмаси асосида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор шимолий Қорақалпоғистонда турли сақлаш шароитида эчкиларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари, конституционал типлари, ўсиш, ривожланиши ва морфологик кўрсаткичлари аниқланган;

турли технологияларда сақланган маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўллари илмий асосланган;

йил мавсумларига боғлиқ ҳолда эчкиларнинг ҳаётчанлик ва физиологик кўрсаткичлари аниқланган;

улоқларни «ажратиш - эмдириш» ҳамда сақлаш шароитининг эчкилар маҳсулдорлигига таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида эчкиларни йил давомида яйловда сақлаш шароитида уларни урчитиш бўйича илмий жиҳатдан асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

маҳаллий дағал жунли эчкиларни шимолий Қорақалпоғистонда йил давомида яйловда сақлаш шароитида биологик хусусиятлари, ҳаётчанлик ва физиологик параметрлари аниқланган;

турли технологияларда сақланган улоқларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари аниқланган, уларни асрашнинг «ажратиш - эмдириш» усули ҳамда туғилган йилида гўштга топширишнинг самарадорлиги исботланган.

турли сақлаш шароитида она эчкилар қонининг морфологик таркиби, уларнинг ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларни бажаришда замонавий усуллардан фойдаланилганлиги; олинган рақамли маълумотларга вариацион статистика усулларида биометрик ишлов берилганлиги; тадқиқот натижаларининг Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий ишланмаларнинг амалиётга жорий этилиб далолатномалар билан тасдиқланганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шимолий Қорақалпоғистон шароитида эчкиларнинг маҳсулдорлигини ошириш усуллари, маҳсулдорликнинг урчитиш технологиясига боғлиқлиги, улоқларни турли технологияларда асрашнинг афзалликлари назарий жиҳатдан асосланган шимолий Қорақалпоғистоннинг яйлов шароитида маҳаллий эчкиларни урчитишнинг

илмий асосланган самарали технологиялари тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эчкиларни йил давомида яйлов шароитида парваришlash ва самарали урчитишнинг тажрибалар асосида исботланганлиги, улоқлашнинг оптимал муддатларининг аниқланганлиги, улоқларни парваришlashнинг «ажратиш - эмдириш» технологиясининг такомиллаштирилганлиги, уларни туғилган йилида семиртириб гўшт ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланганлиги ва амалиётга тавсия этилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудида ҳар хил сақлаш шароитида эчкиларни асрашда уларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудида парваришланаётган эчкиларни ҳар хил сақлаш шароитида гўшт маҳсулдорлигини оширишнинг ресурстежамкор усуллари Қораўзак тумани «Баҳрам шабандоз» чорвачилик фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 15 апрелдаги № 25-04/127 сон маълумотномаси). Натижада назорат гуруҳига нисбатан тажрибадаги эчкилар гўшт маҳсулдорлигининг 5-6 кг га кўпайиши, рентабеллик даражасини 31,1 фоизга ошириш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудида ўстирилаётган эчкиларнинг яйлов шароитида сут маҳсулдорлигини ошириш усуллари Қораўзак тумани «Дастан шаруа» чорвачилик фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 15 апрелдаги № 25-04/127 сон маълумотномаси). Натижада назоратга нисбатан тажриба гуруҳидаги эчкилар сут маҳсулдорлигининг 8-10 фоизга ошиши натижасида, рентабеллик даражасининг 30,8 фоизга ошиши имконияти яратилган;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудида ўстирилаётган эчкиларнинг турли сақлаш шароитида жун маҳсулдорлигини ошириш усуллари Қораўзак тумани «Сония шаруа» фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 15 апрелдаги № 25-04/127 сон маълумотномаси). Натижада назоратга нисбатан тажриба гуруҳида жун маҳсулдорлигининг 6-8 фоизга ошиши рентабеллик даражасини 28,6 фоизга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани «Баҳрам шабандоз», «Дастан шаруа» ва «Сония шаруа» фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2016-2019 йй), Қорақўлчилик ва чўл экологияси

илмий-тадқиқот институти илмий кенгашларида (2017-2019 йй), ҳисобот йиғилишларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиясида (2018 й), ҳамда 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та тавсиянома ва 1 та монография, 15 та илмий мақолалар, шундан халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 6 та, Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган республика илмий журналларида 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида эчкичиликнинг аҳамияти, улардан олинадиган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги ёритилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этиш ва апробация натижалари баён қилинган, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Эчкиларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва Республика олимлари томонидан бажарилган илмий ишларнинг таҳлили асосида эчкиларнинг ўзига хос биологик хусусиятларини кўрсатувчи кенг кўламли материаллар, келиб чиқиши ва тарқалиши бўйича маълумотлар келтирилган, эчкичиликдан олинадиган ҳар хил маҳсулотлар бўйича турли муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари ёритилган. Наслчилик ишлари ҳамда турли озиқлантириш ва асраш шароитининг ҳар хил маҳсулдорлик йўналишидаги эчкиларга таъсири, бу жараёнда маҳаллий ҳайвонларнинг аҳамияти ва роли очиб берилган. Республикада ва хорижда ушбу соҳаларда ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган, Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий эчкиларни ўрчатишнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ёритилган.

**«Тадқиқотнинг материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, унинг материаллари ва усуллари бўйича маълумотлар берилган.

Тадқиқот объекти сифатида танланган маҳаллий дағал жунли эчкиларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш ва маълумотларга статистик ишлов бериш услублари тўлиқ ёритилган.

Диссертациянинг «**Эчкиларнинг морфологик, физиологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари**» номли учинчи бобида эчкиларнинг ранг, конституция типлари, тирик вазн, тана тузилиши, қайта урчиш хусусиятлари, физиологик ва гематологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Қорақалпоғистоннинг дағал жунли эчкилари маҳаллий зотга мансуб бўлиб, озуқа ва сақлаш шароитларига чидамлилиги, оғир табиий-хўжалик муҳитига яхши мослаша олиши аниқланган.

Эчкиларнинг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 1-расмда келтирилган.



**Расм 1. Эчкиларнинг морфологик кўрсаткичлари**

Келтирилган маълумотларда Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий эчкилари асосан шоҳдор бўлиб, қора (45,8 ва 58,3 фоизи), қулранг (19,0 ва 25,6 фоизи) ва бошқа тусларга эга эканлиги аниқланган.

Маҳаллий эчкилардан фақат 5,0 фоизи нозик конституция типига мансуб бўлиб, уларнинг 72,2 фоизи мустаҳкам, ва 12,8 фоизи дағал конституция типига мансублиги қайд этилган. Такаларнинг 90,2 фоизи мустаҳкам, қолганлари дағал конституция типига мансуб бўлган.

Ҳайвонларнинг тирик вазни ва экстеръери хўжалик ва биологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳайвон тури, зоти, жинси, конституцияси, ёши, озиклантириш ва сақлаш шароитларига бевосита боғлиқ.

Катта ёшли эчкилар тирик вазнини ўрганиш йўналишидаги тадқиқот натижалари 1-жадвалда умумлаштирилган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қиш ва баҳор даврида озуқа танқислиги сабабли эчкилар ва такалар маълум даражада паст семизликка эга бўлган. Озиқлантириш даражасининг яхшиланиши билан уларнинг тирик вазни 29,9 ва 45,9 фоизга ошганлиги кузатишган. Бу озиқлантириш ва сақлашнинг муқобил шароитларида эчкиларнинг тирик вазини қайта тиклаш хусусиятининг юқори даражада эканлигини кўрсатади ( $P>0,999$ ).

1-жадвал

Етук ёшдаги эчкиларнинг тирик вазни, кг

Хайвонлар гуруҳи	Ҳисобга олинган бош сони	Баҳор		Куз	
		$X \pm S_x$	%	$X \pm S_x$	%
Эчкилар	25	31,1 $\pm$ 0,36	100	40,4 $\pm$ 0,72	129,9
Такалар	25	41,2 $\pm$ 0,53	100	60,1 $\pm$ 0,54	145,9

Эчкиларнинг экстеръери ёки тана тузилиши, ривожланиши организмнинг функционал фаолияти билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатганлиги сабабли, маҳсулдорлик-биологик ва конституционал хусусиятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда етук ёшдаги эчкиларнинг, куз даврида, яъни улар юқори тирик вазн ва семизликка эга бўлган вақтида, тана ўлчамларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Етук ёшдаги эчкиларнинг тана ўлчамлари (5 ёш, n-25), см

Кўрсаткичлар	Эчкилар	Такалар	% да фарқ
	$X \pm S_x$	$X \pm S_x$	
Яғрин баландлиги	62,9 $\pm$ 3,6	86,4 $\pm$ 5,5	37,3
Думғаза баландлиги	63,4 $\pm$ 3,6	87,7 $\pm$ 5,6	38,3
Кўкрак айланаси	82,7 $\pm$ 2,6	93,6 $\pm$ 6,7	13,2
Кўкрак кенглиги	26,3 $\pm$ 2,2	30,4 $\pm$ 2,2	15,6
Кўкрак чуқурлиги	16,4 $\pm$ 1,1	20,3 $\pm$ 1,6	23,8
Тананинг қия узунлиги	67,5 $\pm$ 4,2	75,1 $\pm$ 0,5	26,1
Пойча айланаси	7,9 $\pm$ 0,6	8,9 $\pm$ 0,7	12,7

Жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатадики, етук ёшдаги эчкиларнинг тана ўлчамлари кўрсаткичларида фарқлар борлиги, барча кўрсаткичлари бўйича такалар эчкилар кўрсаткичларидан устунлик қилиши аниқланди. Энг юқори фарқ думғаза баландлиги (38,3%), яғрин баландлиги (37,3%), гавданинг қия узунлиги (26,1%) ва кўкрак чуқурлиги (23,8%) бўйича қайд этилди. Кўкрак кенглиги ва айланаси, пойча айланаси кўрсаткичлари бўйича фарқ тегишли равишда 15,6, 13,2 ва 12,7 фоизни ташкил этди ( $P>0,999$ ).

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига қўйиладиган асосий талаблардан бири – кўпайиш ва юқори яшовчанлик хусусиятларига эга авлод бериш хусусияти ҳисобланади.

Қорақалпоғистон шароитида эчкиларнинг маҳсулдорлик сифатини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон шароитида эчкиларда юқори жинсий фаоллик намоён бўлган. Кузги даврда (октябр–ноябр) уларнинг жинсий фаолликка мойиллиги кучли бўлиб, шу даврда куйикиши юқори бўлган (98,0% ) 257 бош эчкилардан фақат 5 боши қисир қолган. Улардан ўн икки бош учталик (3,8 фоиз) ва ўттизбеш бош эгизаклар (11,2 фоиз) олиниб, умумий серпуштлиги 115 фоизни ташкил этган.

3-жадвал

#### Эчкиларнинг серпуштлилиқ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бош сони	%
Қочирилган эчкилар	257	100
улоқлаганлари	252	-
Куйикиш хусусияти	-	98
Жами олинган улоқлар:	311	100
шундан: такачалар	154	49,5
улоқчалар	157	50,5
улардан: эгизаклар	35	11,2
учталик	12	3,8
100 бош она эчкилардан олинган улоқлар	-	115

Ҳайвонларнинг физиологик ҳолатини ва мослашувчанлигини ўрганиш долзарб илмий-амалий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар ҳаво ҳароратининг ёзда кўтарилиши натижасида баҳорда (72,5 фоиз) ва кузга нисбатан (38,1 фоиз) нафас олиш тезлиги жадаллашишини кўрсатган. Бу кўрсаткич баҳорда ва қишда деярли бир хил бўлиб ( $30,2 \pm 1,3$  ва  $30,3 \pm 1,5$ ), физиологик меъёр даражасини ташкил этган.

Деярли шундай ҳолат эчкиларнинг юрак уриш тезлигида ҳам аниқланиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан юрак уришининг жадаллашиши кузатилган. Бу бизнинг фикримизча, организмнинг мослашиш реакцияси ҳисобланади.

Халқаро тажрибаларда маҳаллий эчкиларни соғиш қўшимча сут маҳсулоти ва тегишли даромад олиш имкониятларини кўрсатса ҳам Қорақалпоғистон шароитида, аксарият ҳолларда маҳаллий эчкиларни соғиш йўлга қўйилмаган.

Юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан олдимизга маҳаллий эчкиларнинг улоқлаш даврларида сут маҳсулдорлигини ўрганишни мақсад қилдик. Ушбу йўналишда олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилига кўра, турли даврларда улоқлаган эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги бир хил бўлмаган. Энг яхши сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари апрел ва март ойларида улоқлаган эчкиларда

кузатилган. Бу март ва апрел ойларида яйлов шароити, яъни яйлов озуқаларидан яхши фойдаланиш имкониятининг юзага келганлиги билан изоҳланади.

4- жадвал

Эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги, кг

Лактация даври	Улоқлаш муддатлари					
	феврал		март		апрел	
	X±Sx	Cv	X±Sx	Cv	X±Sx	Cv
1 ой	32,2±0,27	7,1	35,4±0,26	7,6	36,1±2,7	8,1
2 ой	43,1±0,31	9,1	45,3±0,31	8,7	42,1±0,35	8,6
3 ой	36,1±0,19	7,1	36,8±0,19	7,0	28,1±0,21	7,4
4,5 ой	28,2±0,17	8,1	28,1±0,16	9,2	23,0±0,15	9,0
Жами	139,6	11,5	145,6	12,7	129,3	11,1

Март ва апрел ойларида улоқлаган эчкиларнинг сути таркибида сув кўпроқ (1,9 ва 1,3 фоиз) ва ёғ камроқ (0,9 ва 0,6 фоиз) бўлиб, қанд ва кул моддалари миқдори деярли бир хил кўрсаткични ташкил этган.

Эчкиларнинг жун маҳсулдорлигини уларнинг жунини қирқиш даврида (май ойида), қирқилган жунни тарози ёрдамида алоҳида ўлчаш йўли билан амалга оширилди. Жуннинг табиий узунлиги эса металл чизғич ёрдамида аниқланди. Жун қопламидаги ҳар хил типдаги толалар ва уларнинг ингичкалигини ўрганиш учун уларнинг ёнбош (биқин) қисмидан жун намуналари олинди. Тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги, (n-25)

Ҳайвон жинси	Ёши	Жун қирқими, г	Кокилчаларнинг узунлиги, см(X±Sx)		
			Куракда	Ёнбошда	Сонда
Эчкилар	1	627±24,6	9,5±0,79	3,7±0,59	12,4±0,49
	3–4	816±28,7	10,4±0,64	11,6±0,64	13,2±0,52
	6–7	708±20,4	10,9±0,59	11,0±0,52	14,0±0,50
Такалар	1	660±21,8	11,2±0,91	12,4±0,71	13,5±0,69
	3–4	896±36,5	12,0±0,84	12,6±0,84	15,2±0,58
	6–7	847±30,4	11,4±0,71	12,6±0,79	14,9±0,51

Олинган маълумотлар кўрсатадики, эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги 627±24,6; 816±28,7 грамм оралиғида бўлиб, бу кўрсаткич бўйича гуруҳлараро маълум фарқлар аниқланди. Кўпроқ жун маҳсулдорлиги 3–4 ёшли эчкиларда аниқланди (816±28,7 г) ва у бир йиллик эчкиларнинг кўрсаткичларини 30,1 фоизга, етук ёшли эчкиларнинг кўрсаткичларидан 15,2 фоиз устун бўлиши қайд этилган.

Эчки жундаги ҳар хил типдаги толалар нисбатини ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилган бўлиб, эчкилар жун қоплами асосан қилчиқ ва тивит толаларни ташкил этиб, оралиқ жун толалари эса 8,7–10,4 фоизни ташкил этиши аниқланди. Ёши каттариши билан эчкиларнинг тивит толалари салмоғининг пасайиб қилчиқ толалар салмоғининг ошиб бориши аниқланди. Шу билан бирга ёш эчкиларга нисбатан катта ёшли эчкиларнинг жун таркибида қилчиқ толалар кўпроқ бўлиши аниқланган.

### Ҳар хил турдаги толаларнинг нисбати ва ингичкалиги, (n=3), %

Эчкиларнинг ёши	Ҳар хил турдаги толаларнинг миқдори, %			Толаларнинг ингичкалиги, мкм		
	Тивит	Оралик	Қилчик	Тивит толалар	Оралик толалар	Қилчик толалар
	X±Sx	X±Sx	X±Sx	X±Sx	X±Sx	X±Sx
Эчкилар						
1	70,6±4,3	8,7±1,1	20,7±1,2	14,4±1,1	31,7±2,4	80,7±3,1
3-4	69,2±3,9	9,4±1,3	21,4±1,4	16,6±1,2	35,2±2,6	82,1±3,6
6-7	67,3±3,27	10,2±1,3	22,5±1,6	15,1±1,2	36,4±2,7	82,0±4,1
Такалар						
1	69,0±4,0	9,4±1,4	21,6±1,6	14,9±1,3	30,4±2,5	86,7±4,1
3-4	67,4±3,5	10,4±1,5	22,2±1,7	17,4±1,3	35,9±2,7	89,6±4,3
6-7	65,9±3,2	11,3±1,6	22,8±1,9	21,9±1,4	36,4±2,9	92,8±4,6

Жаҳонда эчкичиликни ривожлантириш тажрибаси, барча эчкичилик билан шуғулланувчи мамлакатларида соҳанинг самарадорлигини ошириш эчкиларнинг гўштдорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан тажрибадаги эчкиларнинг турли ёш даврларида гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Маълумотлар 7-жадвалда келтирилган

### Эчкиларнинг гўшт маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Туғилган йилида		Етук ёшдаги эчкилар			
	4,0-4,5 ой	9,0-10,0 ой	Эчкилар		Такалар	
	-	Қўшимча озиклантир иб яйловда боқилган	Яйловдан	Қўшимча озиклантир иб яйловда боқилган	Яйловдан	Қўшимча озиклантир иб яйловда боқилган
Сўйишдан олдинги вазни, кг	14,8±0,08	27,3±0,16	42,0±0,7	50,6±0,7	51,5±0,8	62,6±0,6
Нимталанмаган гўшт кг	7,64±0,12	13,9±0,63	17,7±0,4	21,1±0,5	22,1±8,6	26,6±0,5
Ички ёғ	0,16±0,03	0,8±0,02	0,6±0,01	2,1±0,07	0,9±0,01	3,1±0,1
Сўйим вазни	7,8±0,1	14,7±0,13	18,3±0,5	23,2±0,4	23,0±0,7	29,7±0,4
Сўйим чиқими, %	52,7	53,8	43,6	45,8	44,7	47,4
Таркиби: намлик	71,1	66,4	65,3	63,2	63,2	63,1
Қуруқ модда	28,9	33,6	34,7	36,8	36,8	36,9
Ёғ	7,5	8,9	10,1	12,2	10,2	12,5
Оқсил	17,4	21,2	21,0	21,3	21,5	4,3
Кул	4,0	3,5	5,6	3,3	5,1	4,3
Калориялиги 1 кг/ккал	1432,3	1791,1	2327,6	2452,1	2401,3	2642,7
кДж	5872,4	7486,9	9729,4	10249,8	10037,4	11046,5

Олинган маълумотлар таҳлили кўрсатадики, ёш эчкилар гўшти юмшоқ ва нозик ҳисобланади. Бу гўшт таркибидаги ширанинг кўплиги билан изоҳланади, бунда эчки гўштининг юмшоқлиги даражаси (71,1 фоиз), шунингдек, ёғ ва оқсил 18,7–21,8 фоизни ташкил қилган.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида маҳаллий эчкиларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий эчкилар гўштининг сифати юқори баҳоланади. Сифат кўрсаткичлари талаб қилинган меъёрларига мос келади. Гўшт сифати бўйича улар Республиканинг бошқа ҳудудларида урчитилаётган эчкилар гўшти сифатидан қолишмайди. Озиқлантириш даражасини яхшилаш уларнинг гўшт маҳсулдорлигини орттириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Турли технологияларда сақланган маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлигини ошириш**»ни ўрганишга бағишланган тўртинчи бобда улоқларнинг турли технологияда асраш шароитида маҳсулдорлик ва биологик кўрсаткичлари ёритилган.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларда турли ёш, давр, асраш технологиялари шароитида улоқларнинг тирик вазн, ўсиш, ривожланиш, ҳаётчанлик ва яшовчанлик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари ёритилган.

Ўсиш даврлари бўйича улоқлар тирик вазнининг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари 8-жадвалда умумлаштирилган.

8- жадвал

**Улоқлар тирик вазнининг ўсиш даврлари бўйича мутлоқ ортиши, кг**

Туғилиш даври	Жинси	Туғилганидан 4,0–4,5 ойгача	4,0–4,5 ойдан бир ёшгача	Бир ёшдан 1,5 ёшгача
Феврал	Улоқча	11,2±1,2	6,6±0,4	9,4±0,8
	Такача	12,0±1,3	6,2±0,3	12,1±1,3
Март	Улоқча	11,1±1,1	5,4±0,2	8,3±0,6
	Такача	11,4±1,2	6,2±0,3	9,5±0,7
Апрел	Улоқча	9,8±0,9	4,9±0,2	8,2±0,6
	Такача	10,2±0,9	5,4±0,4	9,2±0,8

Жадвал маълумотлари таҳлили маълум қонуниятни тасдиқлайди, яъни эртароқ туғилган улоқлар кеч туғилган улоқларга нисбатан тезроқ ўсиши кўрсаткичларига эга бўлади.

Улоқлар тирик вазнининг ёш динамикасини ўрганиш натижалари, эрта улоқлаш муддатида, яйлов ўсимликларининг энг юқори озуқа захирасига эга эканлиги ва яхши ҳазм қилиниши ҳисобидан улоқларнинг 18 ойлик ёшига қадар жадал ўсишига имконият туғдиради. Бунда жинсий диморфизм аниқ кўзга ташланади, яъни эркак ҳайвонлар урғочиларига нисбатан жадал даражада ўсади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда яйлов шароитида эчкиларни сақлашда асосан иккита технология қўлланилади – биринчиси умумий сут даврида 4,0–4,5 ойлик ёшгача бевосита онасининг ёнида сақлаш ва иккинчиси

вақтинча сутдан ажратиш методи – бунда улоқлар сут билан озиклантириш даврида эрталаб онасидан ажратиб олинади ва фақат кечқурун онасининг ёнига қўйиб юборилади. Бу эчкиларга яхши ўтлаш ва узоқда жойлашган яйловлардан фойдалана олиш учун имконият яратади. Бу усулдан фойдаланиш икки ойлик ёшигача – улоқлар қувватланиб, яйловда оналари билан бирга ҳаракатлана бошлангунгача давом эттирилади.

Эчкиларнинг турли физиологик ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнларининг эчкиларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари билан боғлиқлиги ҳар хил ўстириш технологияларида қиёсий таҳлил қилинган.

Бунинг учун 2017 йилнинг март ойида яъни улоқлаш муддатида –ҳар бирида 25 бош эчки ва улоқлардан иборат иккита гуруҳ шакллантирилди.

Биринчи гуруҳ назорат вазифасини бажариб, улоқлар сут эмиш даврида тўлиқ оналари билан сақланди. Бу гуруҳдаги эчкилар дастлабки икки ой улоқлаган майдонда сақланди.

Иккинчи гуруҳ тажриба вазифасини бажарди. Бунда улоқлар бир ҳафталик ёшидан бошлаб эрталаб оналаридан ажратиб олинди ва улар яйловдан қайтиб келишганида ёнига қўйиб юборилди. Бу жараён улоқларнинг икки ойлик ёшигача давом эттирилди. Кейинги даврда улоқлар оналари билан бирга парваришланди. Ўтгиз кунлик даврдан бошлаб улоқларга кундузи 300 грамм майдаланган яйлов пичани билан озиклантирилди. Ушбу технологиядан фойдаланиш эчкиларни улоқларсиз узоқ яйловларда боқиш имконини беради, натижада эчкилар яйлов озуқаларидан кўп озикланиши, кўп сут олиш ва улоқларнинг ўсиш тезлигининг ошишига эришилди. Ёмғирли кунларда оналаридан ажратилган улоқлар қўрада, бошқа кунларда эса очиқ яйловларда сақланди.

Қўйидаги 9-жадвалда турли технологияларда сақланган улоқлар тирик вазн кўрсаткичининг ўзгариши бўйича маълумотлар келтирилган.

9-жадвал

**Улоқларни ўстириш технологиясига боғлиқ тирик вазнининг ўсиш динамикаси, кг**

Улоқларнинг ёши	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
	X±Sx	Cv	X±Sx	Cv
Туғилганида	3,1±0,11	9,1	3,0±0,09	8,7
7 кунда	4,1±0,15	8,1	3,99±0,1	7,8
1 ойда	7,2±0,17	7,2	7,62±0,13	8,0
2 ойда	10,8±0,21	6,7	12,3±0,15	7,4
3 ойда	14,1±0,24	7,3	16,2±0,19	7,6
4,5 ойда	18,5±0,31	8,1	21,4±0,21	6,9

Жадвал маълумотлар таҳлили гуруҳларда улоқларнинг ўсиш даражаси бир хил кечмаганини кўрсатди.

Увуз сутини эмиш даврида улоқларнинг ўсиши деярли бир хил бўлган бўлса (гуруҳлар орасидаги фарқ аниқ эмас), ундан кейинги даврда тирик вазн ўсишининг ортиши тажриба гуруҳи улоқлари фойдасига кузатилган ва 1,2,3 ва 4,5 ойлик даврда бу фарқ мутаносиб равишда 5,8; 13,9; 14,9 ва 15,7

фоизни ташкил этган. Тажриба гуруҳидаги она эчкиларини улоқларидан ажратилиши, уларнинг кўпроқ миқдорда яйловда озикланиши ва натижада, кўпроқ сут бериши табиий ва шунга мувофиқ улоқларнинг жадал ўсиши таъминланган.

Эчки ва улоқларнинг алоҳида озикланишининг тенгдошларига қараганда самарадорлиги шундаки, етук ёшли эчкилар билан бирга ўтлатишда уларнинг физиологик талабларига кўпроқ тўғри келадиган шароит яратилади, бу иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдалироқ. Агар улоқларни оналаридан ажратгандан кейинги 1 килограмм тирик вазни 12,0 минг сўмдан баҳоланса, уларни сотиш баҳоси назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 26,1 минг сўм кўпроқ бўлди.

Ҳар хил муддатда туғилган улоқлар ҳаётининг дастлабки ярим йилдаги яшовчанлик хусусияти деярли бир хил бўлган ва чиқим 4–5 бошни ёки 20,0–22,7 фоизни ташкил этган.

Эчкичиликни ривожлантириш жойларда турмуш тарзи учун зарур бўлган инфраструктурани шакллантиришга ёрдам беради, маҳаллий аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлайди ва энг муҳими – маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилиб, унинг афзаллигини баҳолашда иқтисодий самарадорликга алоҳида эътибор қаратилади.

Иқтисодий таҳлил сарф-харажатларни ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 2018 йилдаги сотув баҳосини ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди (10-жадвал).

10-жадвал

**Ҳар хил сақлаш шароитидаги маҳаллий эчкилардан олинган авлодларни ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Ўлчам бирлиги	Улоқлаш муддатлари		
		Феврал	Март	Апрел
Улоқларни сақлаш учун йиллик ўртача харажат	м. сўм	160,0	160,0	160,0
1 ёшдаги тирик вазн	кг	21,3	20,3	18,8
1 кг тирик вазнининг сотишбаҳоси	м. сўм	12,0	12,0	12,0
Сотишдан олинган даромад	м. сўм	255,6	243,6	225,6
фойда	м. сўм	95,8	83,6	65,6
зарар	-	-	-	-
Рентабеллик даражаси	%	59,0	52,0	41,0

Бир бош улоқни бир йил сақлашга ўртача 160 минг сўм маблағ сарфланиб, маҳсулотларни (авлод) сотишдан олинган даромад ойлар бўйича мос равишда 255,6; 243,6 ва 225,6 минг сўмни ташкил қилиб, олинган фойда мутаносиб равишда 95,8; 83,6 ва 65,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 59,0; 52,0 ва 41,0 фоизни ташкил этган.

Олинган натижалар, эрта туғилган улоқларнинг жадал ўсиши ҳисобига бир ёшида тирик вазнининг юқори бўлишини кўрсатади, бу эса кўп фойда олиш ва юқори рентабелликка эришиш имконини туғдиради.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон шароитида ресурстежамкор технологияларни қўллаб эчкиларни парваришлаш, кам маблағ талаб этадиган соҳа ҳисобланганлиги туфайли яйлов чорвачилигининг самарали тармоқларидан бири ҳисобланади.

## ХУЛОСАЛАР

Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудларида маҳаллий эчкиларининг хўжалик фойдали белгилари ва биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий дағал жунли эчкилари оғир яйлов иқлим шароитларига яхши мослашувчанлиги билан характерланади, конституцияси мустаҳкамлиги, юқори маҳсулдорлиги билан ажралиб туради, сақлаш шароитини танламаслиги, қимматли ирсий сифатларга эгаллиги эчкиларнинг янги тип ва селекцион гуруҳларини яратишда қимматли генофонд вазифасини бажаради.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий эчкилари қора (45,8 ва 58,3 фоиз), кулранг (19,0 ва 25,6 фоиз) ва оқ рангга (10,3 ва 16,1 фоиз) эга бўлиб уларнинг асосий қисми шохдор (91,6 фоиз) ташкил этиб, аксарият қисми мустаҳкам (72,2 фоиз) конституция типига эга, танаси йирик, оёқлари узун, гавда суяклари ва кўкрак қафаси яхши ривожланган, яйратиб озиклантириш ва сақлаш шароитида яхши семиради.

3. Маҳаллий эчкилар, яйловдаги озуқа танқислигига қарамасдан юқори кўпайиш хусусиятларига эга (қуйикиш хусусияти– 98,0 ва серпуштлик–115 фоиз), иқлим ўзгаришига физиологик меъёр даражасида жавоб бериши билан тавсифланади.

4. Ҳар хил муддатларда улоқлаган эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги турлича бўлиб, апрел ва март ойларида улоқлаган эчкилар юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлиб, бу яйлов озуқаларидан самарали фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги билан боғлиқ. Апрель ойида улоқлаган эчкилар сути таркибида ёғ ва оқсил (5,6 ва 4,69 фоиз), март ойида улоқлаган эчкилар сути таркибида эса сув миқдорининг кўпроқ бўлиши (85,8 фоиз) аниқланди. Қулай озиклантириш ва сақлаш технологияси жорий этилганда эчкилар шифобаҳш сут ишлаб чиқариш манбаи бўлиб хизмат қилади.

5. Жун маҳсулдорлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий эчкилари Республикамининг бошқа ҳудудларидаги эчкиларнинг жун маҳсулдорлигига яқин. Уларнинг жун маҳсулдорлиги  $627,0 \pm 24,6$ ;  $816,0 \pm 28,7$  граммни ташкил этиб, энг юқори жун маҳсулдорлиги 3–4 ёшли эчкиларда кузатилиб, улар бир ёшли эчкиларга нисбатан 30,1 фоизга, катта ёшдагиларга нисбатан 15,2 фоизга юқори кўрсаткичга эга бўлди. Аналогик фарқ такалар гуруҳларида ҳам кузатилди. Барча ёш-жинс гуруҳларидаги эчкиларнинг сон қисмидаги жун толаси курак ва ёнбош қисмларидаги жунга нисбатан узунроқ бўлиб, жун асосан қилчиқ ва тивит толаларидан ташкил топган, оралиқ толалар салмоғи кам (8,7–10,4%) ташкил қилди. Эчкиларнинг ёшининг каттариши билан қилчиқ толалар миқдори камайиб,

тивит толалар салмоғи кўпайиб борди. Қилчиқ толалар салмоғи урғочи улоқчаларга нисбатан такачалар жунида кўпроқ бўлиши аниқланди.

6. Такачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги сўйиш ёши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, 9–10 ойлик ёшида, сўйим олди тирик вазни 4,0–4,5 ойлик такачаларга нисбатан 12,5 кг га ёки 84,4 фоиз юқори бўлиши, уларда ички ёғ миқдорининг ҳам кўп бўлиши аниқланди. Сўйимдан олдин қўшимча озиклантириш, сўйим вазнини (4,9–5,7 кг) ва сўйим чиқимини (2,2 – 0,3 фоиз) ошишини таъминлади, ёшининг ошиши билан мускул тўқималарида гўшт шираси камаяди, ёғ, қуруқ элементлар миқдори ва калорияси ортади.

7. Ҳар хил муддатда туғилган улоқлар туғилган вақтида тирик вазни турлича бўлиб, бу фарқ кейинги ўсиш даврларида ҳам сақланиб қолади. Эрта туғилган улоқларнинг 18 ойлик ёшида тирик вазн кўрсаткичи юқори бўлиб (30,1 ва 33,4 кг), такаларда жинсий диморфизм аниқ сақланиб қолинади, урғочи улоқчаларга қараганда такачаларнинг жадал ўсиши кузатилди.

8. Улоқчаларни оналаридан ажратилиб озиклантирилда (улоқлар оналаридан вақтинча ажратилганда) улоқчалари оналари билан бирга озиклантирилган тенгдошларига нисбатан жадал ўсиши билан фарқланиб, улар тирик вазни бўйича 2,9 килограмм устунлик қилди.

9. Ҳар хил муддатда туғилган улоқларнинг ҳаётчанлиги дастлабки ярим йилида деярли бир хил бўлди, сут емиш даврида улоқлар чиқими феврал ойида туғилган улоқлар гуруҳида кўп бўлиши аниқланди (10,6–13,6%), улоқчаларнинг нобуд бўлиши конституционал депрессиянинг ёки бошқа наслдан-наслга ўтувчи омилларнинг оқибати эмас. Шу сабабли феврал ойида туғилган улоқчаларнинг ҳаётчанлигини ошириш учун уларнинг озиклантириш ва сақлаш шароитини яхшилашни талаб этилди.

10. Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудлари шароитида маҳаллий эчкиларнинг юқори даражадаги мослашувчанлиги, ҳаётчанлиги ва юқори маҳсулдорлиги ҳамда эчкичилик маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилиги эчкичиликни яйлов чорвачилигидаги энг фойдали тармоқларидан бирига айлантиради. Эчкиларни парваришlash бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялардан фермерларнинг амалий фаолиятида фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, эчкичилик тармоғининг рентабеллигини ошириш имкониятини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.Qx.75.01. ПРИ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И  
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ И САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**ТОРЕШОВА АМИНА УББИНЯЗОВНА**

**ПРОДУКТИВНАЯ ОСОБЕННОСТЬ КОЗ ПРИ РАЗНЫХ  
ТЕХНОЛОГИЯХ СОДЕРЖАНИЯ В УСЛОВИЯХ СЕВЕРНЫХ  
РЕГИОНОВ КАРАКАЛПАКИИ**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**САМАРКАНД – 2019**



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

**Актуальность и востребованность темы диссертационной работы.** Благодаря высокой жизнеспособности, хорошей приспособляемости, способности использовать низко – продуктивные пастбища, производить качественную и востребованную продукцию, разведением коз занимаются практически во всех континентах, во всех странах мира и их общее количество составляет 949,0 млн. голов, из них около 60% содержатся в странах Азиатского континента. Наибольшее количество коз содержат в Китае (140 млн. гол.), Индии (120,6 млн. гол.), Пакистане (47 млн. гол.)<sup>1</sup>. В многочисленных научных и исследовательских центрах этих стран изучают биологические и хозяйственно-полезные признаки животных разных направлений продуктивности, при этом большую их часть составляют местные грубошерстные козы, козы шерстного и молочного направления продуктивности. Установлены хозяйственно-биологические и конституциональные различия между козами в зависимости от их зоны разведения, породности и направления продуктивности, что способствовало разработке различных технологий их разведения, кормления и содержания.

Козоводством в Узбекистане занимаются повсеместно, в Каракалпакии разводят в основном коз местной грубошерстной породы в частных подворьях и фермерских хозяйствах. Козы являются наиболее приспособленными к пустынным пастбищам северных районов, где преобладают грубостебельчатые кустарники и полукустарники, грубая солянковая растительность и другие. Поэтому козоводство является важной составной частью сельского хозяйства Каракалпакстана, способствующее обеспечению населения продуктами питания, а промышленность сырьем. Особенно остро его значение возрастает в связи с интенсивным ростом промышленности, созданием новых производств, увеличением количества жителей в городах и централизованных поселках.

В Государственной Программе дальнейшего развития Республики, в стратегии действий на 2017-2021 годы большое внимание уделено модернизации сельского хозяйства, внедрению инновационных технологий, эффективных методов селекции, производства и переработке продукции. На решение этих задач и направлена настоящая работа<sup>2</sup>.

Диссертационная работа и ее результаты непременно служат выполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года ПП – 2460 – «О мерах реформирования и развития сельского хозяйства в 2016-2020 годах», от 7-февраля 2017 года ПУ – 4947 – «О мерах развития и поддержки животноводческой отрасли», от 16 марта 2017 года ПП – 2841 – «О дополнительных мерах углубления экономических реформ в животноводстве и других нормативно – правовых документах, касающихся этой деятельности.

---

<sup>1</sup> <https://bigenc.ru/agriculture>text>

<sup>2</sup> ПФ-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

В результате достигнуто увеличение поголовья животных, повышение их продуктивности. Улучшились качественные показатели продукции.

В Каракалпакии коз, прежде всего, разводят для производства мяса. Мясо коз употребляется в пищу с древнейших времен и по качеству оно не уступает баранине. Выход мяса и жира после убоя коз в зависимости от пола, упитанности и возраста животного колеблется от 35,0 до 50,0%. Лучшее мясо получают от молодняка и кастратов. Кроме мяса от местных коз получают пух (0,1-0,3 кг), грубую шерсть (0,5-1,0 кг), козлины (шкурки коз) и др. Правильное и рациональное производство и использование продукции козоводства, способствует повышению рентабельности отрасли, соответственно повышению уровня жизни местных животноводов.

Помимо этого, местные породы коз могут служить хорошим исходным материалом для создания специализированных высокопродуктивных пород, типов и линий.

В связи с этим, сохранение местных аборигенных животных, разводимых с древних времен и хорошо приспособленных к местным условиям обитания, приобретает весьма актуальный характер, а изучение хозяйственно-биологических особенностей местных коз в регионах Приаралья имеет научный и практический интерес.

**Степень изученности проблемы.** В научных центрах зарубежных стран и высших учебных заведениях на сегодняшний день осуществляются научно-исследовательские работы по созданию высокопродуктивных пород коз шерстного направления в типе ангорской (Техас США, Турции, России и др.), дающих полутонкую с люстровым блеском шерсть – «мохер», коз пухового направления продуктивности, дающих пух в типе кашмирской (Индия, США, Китай и др.); коз молочного направления (Франция, Греция, Германия, Польша, Россия и др.).

